

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 17

2022 йил "21" Август

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Уч тут №37 ихтисослаштирилган мактаб интернати

(буюртмачининг номи)

номидан \_\_\_\_\_ устав \_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи  
(устав, низом, ишончнома)

Э.К.Исломов бир томондан ва кейинги ўринларда  
(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

"Пудратчи" деб юритиладиган "LEADER SERVICE NAVOI" МЧЖ

(юридик шахсининг номи)

номидан Устав

(устав, низом, ишончнома)

асосида иш кўрувчи Исломов С

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан Навбахор туман 37-мактаб биносини жорий таъмирлаш

(объектнинг номи)

капитал (жорий) таъмирлаш бўйича куйидаги шартномани туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навбахор туман 37-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

(лойиханинг номи)

лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "16" 08 \_\_\_\_\_ даги баённома) билан тасдиқланган

ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда Пурачи тоз кира 42 миллион тажнч тоз пили 42 тоз шеле еши  
(сумма ёзув билан)

ни ташкил этади.

3.1 Шундан шартнома буйича 443800302 сум бюджет  
хисоб ракамидан, \_\_\_\_\_ сум махсус  
хисоб ракамидан, \_\_\_\_\_ сум хомий  
ва бошқа маблағлархисобидан.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди (конунда қузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикча ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга \_\_ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

\_\_ - иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор вилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вавтида атроф муҳитни, ўтвазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза вилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироглари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр йолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-сурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиеиш ва қарор қабул қилиш;  
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_-иловага мувофик аванс бериш ва жорий  
молиялаштиришни амалга ошириш;  
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун  
зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;  
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

### 10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;  
кейинчалик ЭАВга конвертация еилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб  
еилинганда - шартнома конун иўжжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи  
аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниеланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган  
кундан эътиборан 30 кунни ташқил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи  
микдорида аванс ўтказади, бу 133140090 сўмни ташқил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар"  
далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк  
ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ  
қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга  
қирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган таедирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида  
белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар  
қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи  
Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган  
муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни  
мустақил равишда ташқил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати  
органлари билан қелишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб  
беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига  
ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой  
ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур  
тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги  
тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар  
аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан қелишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан қиритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саслайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор еилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган йоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оёибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи еурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз ваётида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс еттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф етиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир етса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод етиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал еилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом еттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартнома бекор еилишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;  
лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган сурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин сурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган таъдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган таъдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз ваетида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,1 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз қучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Газначилиқдан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга қиради ва амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### ПУДРАТЧИ

**"LEADER SERVICE NAVOI"**

**МЧЖ**

Юридик манзилгоҳ **Навоий вил. Кармана туман**

**Санъбур 27-уй**

ТЕЛ

ФАКС:

Х/р **2020800000648956001**

Банк номи **ТИФ Миллий банк Навоий**

Банк коди(МФО) **00196**

ИНН **304209114**

ХХТУТ

КТУТ

#### БУЮРТМАЧИ

**№37 ихтисослаштирилган мактаб интернати**

Юридик манзилгоҳ **Навбахор тумани**

ТЕЛ: **5625183**

ФАКС:

ШХ/Р **100021860122307092300075001**

Ташкилот СТИР **202027630**

ХХТУТ **92200**

КТУТ

Ғазначилик булими: **Навбахор тумани**

**буйича Ғазначилик булинмаси**

Ғазначилик х/р: **23402000300100001010**

Банк номи **Тошкент ш. Марказий банк ХККМ**

Банк коди(МФО) **00014**

Ғазначилик СТИРи: **201122919**

Раҳбар

**Э.К.Исломов**

(Ф.И.О.)

(имзо)



Раҳбар  
(Ф.И.О.)

(имзо)

Юрист

**С. Исломов**



Ф.И.О

## Yuridik shaxslar

Hozirgi holat

Guvohnoma

O'zgartirishlar tarixi

0331



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"LEADER SERVICE NAVOI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"LEADER SERVICE NAVOI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.08.20160331

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304209114Tashkiliy-huquqiy  
shakli:Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Navoiy viloyati, Karmana tumani, Varq mahallasi, Sangbur ko'chasi 27-uy,

Guvohnoma:

Navoiy viloyati, Karmana tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 133020 на приобретение Навбахор туман 37-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 16.08.2022

Время рассмотрения 16.08.2022 11:44

Конкурсная комиссия Уч-тут нафис санъат ихтисослаштирилган мактаб интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

|                              |                                  |  |        |
|------------------------------|----------------------------------|--|--------|
| <b>Председатель комиссии</b> | ISLOMOV ELBEK<br>QAHRAMONOVICH   | Директор                                     | 37-ими |
| <b>Секретарь комиссии</b>    | KUVANDIKOV KOMIL<br>NORKULOVIH   | Аъзоси                                       | 37-ими |
| <b>Член комиссии</b>         | MIRZAYEVA SURAYYO<br>KARIMOVNA   | Касаба уюшмаси раиси                         | Аъзоси |
| <b>Член комиссии</b>         | AXMEDOV QUDRAT<br>PARMONOVICH    | Бош хисобчи                                  | 37-ими |
| <b>Член комиссии</b>         | BOTIROV AKMALION ILHOM<br>O'G'LI | Укув ишлари буйича директор<br>уринбосари    | 37-ими |
| <b>Член комиссии</b>         | IMOMOV ALIJON<br>XOLIQULOVIH     | Хужалик ишлари буйича<br>директор уринбосари | 37-ими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.08.2022 года № лота 133020.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

|   |   |
|---|---|
| <b>Наименование товара (работы, услуги)</b> | <b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>  |
| Подробное описание                          | Навбахор туман 37-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш ишлари |
| Количество товара                           | 1.00  |
| Единица измерения                           |   |
| Цена товара (услуги) за единицу             | 451 506 390.00  |
| Стартовая сумма                             | 451 506 390.00  |
| Валюта                                      | UZS   |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш тажрибаси

Тип: Числовое значение

Описание: Иш тажрибаси (Шу сохада етарли иш стажи)

Обязательность: Не критично

Требование заказчика: Не менее: 24 меъсяц

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | 48                 | 20             | Системная  |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | 84                 | 20             | Системная  |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | 443800302          | 20             | Системная  |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | 39                 | 20             | Системная  |            |         |

Критерий №2 Ишларни бажариш муддати (Ишларни бажариш муддатини қисқартириш ишнинг сифатига таъсир ўтказмаслиги шарт)

Тип: Числовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддати (Ишларни бажариш муддатини қисқартириш ишнинг сифатига таъсир ўтказмаслиги шарт)

Обязательность: Не критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – меньше: от 10 до 30 день

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | 30                 | 0.95           | Системная  |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | 25                 | 5.71           | Системная  |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | 443800302          | 0              | Системная  |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | 18                 | 12.38          | Системная  |            |         |

Критерий №3 Кафолат муддати (бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати)

Тип: Числовое значение

Описание: Кафолат муддати (бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати)

Обязательность: Не критично

Требование заказчика: Не менее: 18 месяц

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | 18                 | 20             | Системная  |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | 24                 | 20             | Системная  |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | 443800302          | 20             | Системная  |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | 24                 | 20             | Системная  |            |         |

Критерий №4 Ташкилотнинг охириги 3 йиллик хисоботи ҳамда ҳозирги кундаги молиявий ҳолати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг охириги 3 йиллик хисоботи ҳамда ҳозирги кундаги молиявий ҳолати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | Маълумот тақдим қилинди  | 10             | Экспертная |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова қилинди   | 10             | Экспертная |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | Барчаси мавжуд   | 20             | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | Ташкилотнинг охириги 3 йиллик хисоботи ҳамда ҳозирги кундаги молиявий ҳолати | 0              | Экспертная |            |         |

Критерий №5 Иш тажрибаси (Шу соҳада олдин қилинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш тажрибаси (Шу соҳада олдин қилинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | Маълумот тақдим қилинди   | 2              | Экспертная |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова қилинди  | 0              | Экспертная |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | Барчаси мавжуд  | 20             | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | Иш тажрибаси (Шу соҳада олдин қилинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари) | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №6 Иштирокчининг корхонанинг доимий ишчи ходимлари тўғрисида ҳамда муҳандис техник ходимлар диплом нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг корхонанинг доимий ишчи ходимлари тўғрисида ҳамда муҳандис техник ходимлар диплом нусхалари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника      | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------|-----------|-------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA         | 20        | Маълумот тақдим қилинди | 0              | Экспертная |            |         |

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова килинди  | 5              | Экспертная |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | Барчаси мавжуд  | 20             | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | Иштирокчининг корхонанинг доимий ишчи ходимлари тўғрисида ҳамда муҳандис техник ходимлар диплом нусхалари | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №7 Мехнатни муҳофаза қилишда санитария қоидалари ва техника хафсизлиги бўйича йуриқномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника хафсизлиги қоидалари тулик риоя килиниши бўйича талаблар ва йуриқномалар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | Техника хафсизлиги қоидалари тулик риоя килиниши бўйича маълумот тақдим килинди         | 0              | Экспертная |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова килинди  | 0              | Экспертная |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ      | 20        | Барчаси мавжуд  | 0              | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | Мехнатни муҳофаза қилишда санитария қоидалари ва техника хафсизлиги бўйича йуриқномалар | 0              | Экспертная |            |         |

Критерий №8 Корхонанинг қурилиш монтаж ишлари давомида қурилиш машина механизмлари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг қурилиш монтаж ишлари давомида қурилиш машина механизмлари мавжудлиги ёки ижара шартномаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника          | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|-----------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | Маълумотнома тақдим қилинди | 5              | Экспертная |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова килинди        | 5              | Экспертная |            |         |

| Наименование участника    | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ  | 20        | Барчаси мавжуд  | 20             | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT | 20        | Корхонанинг қурилиш монтаж ишлари давомида қурилиш машина механизмлари мавжудлиги | 0              | Экспертная |            |         |

#### Критерий №9 Банкротлик

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тасдиқлангани.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника                                 | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | банкрот эмаслиги тугрисида маълумот тақдим килинди | 5              | Экспертная |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова килинди                               | 0              | Экспертная |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ      | 20        | Барчаси мавжуд                                     | 10             | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | Банкротлик   | 0              | Экспертная |            |         |

#### Критерий №10 Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника        | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ООО STROY MEGA                | 20        | Сугурта полиси тақдим килинди  | 5              | Экспертная |            |         |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20        | Хужжат илова килинди   | 10             | Экспертная |            |         |
| LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ      | 20        | Барчаси мавжуд   | 0              | Экспертная |            |         |
| ООО QIZILTEPA ELGA XIZMAT     | 20        | Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги | 10             | Экспертная |            |         |



|                                |                   |                       |                |       |                   |                        |       |
|--------------------------------|-------------------|-----------------------|----------------|-------|-------------------|------------------------|-------|
| ООО STROY<br>MEGA              | 451 506<br>390.00 | 451 506 390.00<br>UZS | 451 506 390.00 | 00.00 | 451 506<br>390.00 | 11.08.2022<br>16:56:55 | 19.66 |
| LEADER<br>SERVICE<br>NAVOI MЧЖ | 451 506<br>390.00 | 443 800 302.00<br>UZS | 443 800 302.00 | 00.00 | 443 800<br>302.00 | 12.08.2022<br>10:43:16 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансово части составила:

| Наименование участника           | Общий балл по<br>технической части | Общий балл по<br>финансово части | Итоговый<br>балл |
|----------------------------------|------------------------------------|----------------------------------|------------------|
| ООО STROY MEGA                   | 27.6504                            | 19.66                            | 47.3104          |
| СП RUXSHONA FARANGIZ<br>KELAJAGI | Не прошел                          | Не прошел                        | Не прошел        |
| ООО QIZILTEPA ELGA<br>XIZMAT     | Не прошел                          | Не прошел                        | Не прошел        |
| LEADER SERVICE NAVOI<br>MЧЖ      | 50                                 | 20                               | 70               |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 133020 от 16.08.2022 года на приобретение Навбахор туман 37-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ  
304209114

и резервный исполнитель: ООО STROY MEGA (305334459)

Проголосовали

| Комиссия              | Ф.И.О.                        | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|-------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | ISLOMOV ELBEK QAHRAMONOVICH   | Согласен    |             |
| Член комиссии         | AXMEDOV QUDRAT PARMONOVICH    | Согласен    |             |
| Член комиссии         | BOTIROV AKMALJON ILHOM O'G'LI | Согласен    |             |
| Член комиссии         | IMOMOV ALIJON XOLIQULOVICH    | Согласен    |             |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП